



МММК фани 8-ЛЕКЦИЯ.

МАВЗУ:

**ХАВФСИЗ ВА СОҒЛОМ ИШ
ШАРОИТЛАРИНИ
ЯРАТИШНИНГ АСОСИЙ
ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА
УСЛУБЛАРИ.**




Режа:


1. Хавфсиз ва соғлом иш шароитларини яратишнинг аҳамияти.
 2. Хавфсиз ва соғлом иш шароитларини яратишнинг асосий йўналишлари.
 3. Хавфсиз ва соғлом иш шароитларини яратишнинг асосий услублари.
- 


■ Хавфсиз ва зарарсиз меҳнат шароитлари қуйидагиларни:


- мос технологияни,
- иш тартибини,
- ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни,
- қулай иш шароитларини,
- хом ашёларни,
- ярим маҳсулотларни,
- иш ўринларини ташкил қилишни,




- жиҳозлардан, ҳимоя воситаларидан оқилона фойдаланиш,
- хавфсизлик талабларини бажариш,
- касбига қараб танлов ўтказиш,
- ишчиларни ўқитиш,
- техник-меъёрий ҳужжатларга хавфсизлик талабларини киритиш билан таъминланади.




- 
- Технологик жараёнларни лойиҳалаш, ташкил этиш ва амалга оширишда хавфсизлик талаблари олдиндан назарда тутилиши шарт.
 - Бунинг учун ишлаб чиқаришда зарарли омилларнинг олдини олиш, ишдаги операция ва жараёнларни ўзгартириш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ҳамда унга масофадан туриб бошқаришни киритиш, гиподинамияга эътибор бериш, ишни оқилона ташкил этиш ва шу билан бир қаторда оғир меҳнатни чегаралашни ҳам ҳисобга олиш керак.


- 
- Шунингдек, ўз вақтида
 - ишлаб чиқаришдаги хавфсизлик масалалари тўғрисидаги маълумотларга;
 - жараённи бошқариш ва назорат қилиш тизимига;
 - ўз вақтида чиқиндиларни зарарсизлантиришга ва чиқариб ташлашга;
 - хавфли ва зарарли омилларни юзага келтирувчи манбаларга алоҳида эътибор қаратиш керак.

- 
- Иш хоналари, қурилиш меъёри ва қоидаларига (ҚМҚ) мос келиши керак, хоналар ва иш жойларида хавфли ва зарарли таъсирлар даражаси меъёрий кўрсаткичлардан юқори бўлмаслиги шарт.
 - Ишлаб чиқариш майдонлари ҚМҚ талабларига ва давлат назорат ташкилотлари тасдиқлаган қоидаларга жавоб бериши зарур.
 - Ишлаб чиқариш жиҳозлари ГОСТ 12.2.003-74 га, ҚМҚ ва технологик лойиҳалаш меъёрига мос келиши ҳамда иш жойлари етарли ёритилган бўлиши шарт.


Масалан, устахонанинг пайвандчилик хонасида меҳнат шароитини ва электр хавфсизлигини юксалтириш бўйича асосий тадбирлар қуйидагича бўлиши мумкин:



Топшириқ: хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш йўналишларининг кластерини тузинг



Назорат саволлари

- Хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратишда нималарга асосий эътибор қаратиш керак?
 - Хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратишнинг асосий йўналишлари ва услублари қанақа?
 - Ташкилий йўналишга нималар киради?
 - Техник йўналишга нималар киради?
 - Эргономик йўналишга нималар киради?
- 

Эътиборингиз учун раҳмат!

